

ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТУРКМАНИСТОН ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИГИЛИШИ

АШХОБОД. 1 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда республика партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзоллигига кандидатлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар советлари ижроия комитетларининг раислари, республика министриликлари ва идораларининг, насаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг аппарати, Туркменистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари республика меҳнаткашлари беш йилликнинг охири йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши қандай бораётганини тўғрисидаги масалани муҳофама қилдилар. Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Гафуров республика саноати ва қишлоқ хўжалигида давлат планлари бажарилишининг асосий рақамлари ва маълумотларини келтирди, халқ хўжалигининг бир қанча соҳалари ишдаги камчиликларини айтиб ўтди, беш йилликнинг натижаларини йили топиришлари мундариғида бажариш юзасидан Туркменистон партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашлари олдига

турган вазифалар тўғрисида гапириб берди.

Йиғилишда Туркменистон Компартияси район ва шаҳар комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари ҳамда республиканинг бошқа масъул ходимлари сўзга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари қизгин кутиб олган ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади. У республика партия ташкилотининг иши, Туркменистон ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларининг ижодий ташаббуси катта аҳамиятга эга бўлишини айтди, республика иқтисодининг янада ривожлантиришнинг асосий масалаларига тўхтади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев умуман мамлакатдаги аҳвол тўғрисида гапириб, сўнгги йиллар мобайнида совет кишиларининг меҳнати билан эришилган катта-катта муваффақиятларини айтиб, беш йилликнинг тугалланувчи босқичида халқимиз олдида турган вазифаларни таъкидлади.

Пировардида ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи масалаларига тўхтади.

Йиғилиш қатнашчилари Бош секретарининг нутқини зўр эътибор билан тингладилар ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиб турдилар.

Худди шу кун Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет Бюросининг аъзолари билан учрашди ва шу учрашув чоғида республика иқтисодининг янада ривожлантиришнинг баъзи масалалари муҳофама қилинди.

ТУРКМАНЛАР ДИЁРИДА УЧРАШУВ

АШХОБОД. 31 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Ашхобод шаҳрини кўздан кечирди ва тиллам фабрикасини бориб кўрди. Шундан кейин Ашхобод рай-


ондаги «Совет Туркменистони» колхоз билан танишиб чиқди. Ўртоқ Л. И. Брежнев колхоз далаларида бўлиб, Правление раиси ўртоқ М. Солиев ҳозирги вақтда хўжаликнинг беш минг гектар ери борлигини айтди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДУШАНБЕГА КЕЛДИ

ДУШАНБЕ. 1 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Душанбадан Тожикистон пойтахтига келди.

Аэропортда ўртоқ Л. И. Брежневи Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. Р.

Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. Холмов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Қадиров, Тожикистон Компартияси Марказий Комитет Бюросининг аъзолари, республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.



Бука районидagi «Гулистон» колхозининг илгор механизатори Миралли Холтурсунов бу йилги мавсумда ўз машинаси билан 200 тонна пахта теришга аҳд қилган. Суратда: М. Холтурсунов.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети, депутатларга маълум қиладики, шаҳар Советининг XII қақирғи VI сессияси 1970 йил 11 сентябрь эрта билан соат 10.00 да республика «Билимлар уйи» биносига очилади. (Киров кўчаси, 24-уй).

Сессия муҳофамазига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Тошкент шаҳрининг қуриш ишлари Бош Бошқармаси, ша-

ҳар уй-жой бошқармаси, барча турдаги шаҳар пассажир транспортининг ишчи ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасига қарабди таъинишларда қиш мавсумида ишлаган тайёргарликнинг бориши тўғрисида.

Докладчилар: Тошкент шаҳар қуриш ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. Н. Маркин.

Шаҳар уй-жой бошқармаси.

нинг бошлиғи ўртоқ Қ. Х. Бурхонов жавоб.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспортларининг ишчи ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. М. Муново.

Шаҳар Совети уй-жой хўжалиги доимий комиссиясининг иши тўғрисида ҳисобот. Докладчи доимий комиссия раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Н. Қодиров.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

17-йил чиқиши.

№ 174, (4421).

2

СЕНТЯБРЬ

ЧОРШАНБА.

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

ДЕХҚОНЛАРНИНГ ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИ


Масъулиятли давр — пахта йиғим-терим кампанияси тобора яқинлашиб келмоқда. Пайкаллардаги ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишда машина ҳал қилувчи роль ўйнайди. Машина теримини сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун дефолиация ишларини намунали олиб бориш талаб этилади. Шу дефолиация ишлари бўлиб боришда «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхоз пахтакорлари бу нинда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар қиёқа мўддада 900 гектар майдондаги музани сифатли дефолиациядан тинчдилар. Хўжалик пахтазорларида учта самолёт ва 7—8 ОДН тинимсиз ишламоқда.

Райондаги пешқадам хўжаликлардан бири ҳисобланган «Москва» колхозини деҳқонлари ҳам дефолиация ишларини намунали ташкил этишди. Самолёт қўнадиган майдонча ва дефолиациялар ўз вақтида қилиниб қўйилди. Қуниқ иш графиги тузиб чиқилди. Бугунги кунда ана шу график асосида дефолиация қизғин олиб бориламоқда. Колхоз пахтакорлари дефолиацияни шарафига қараб ўтказмоқдалар. Деҳқонлар бу тадбирини яқин уч-тўрт кун ичида тугаллаш тадбирларини кўришмоқда. Шунингдек, пахта пайкалларида ОДН машиналари ҳам ишлатилганлиги. Бу машинада асосан карта четлари, самолёт учинишга ноқулай бўлган ки-

чик пайкаллар дефолиация қилинмоқда.

Дефолиация ишларини зўр уюшқоқлик билан олиб бораётган Оққўрғон райони пахтакорлари бу йили 10 сентябргача тугаллашга аҳд қилганлар. Хўшр ана шу наизамни ўз вақтида ўриштиришда ҳаво лойлиқлари пахтакорларга яқиндан ёрдам бераётганлар. Улар ёрдамида ҳар бир пахтакор, механизатор ва мутахассис дефолиация ишларини муваффақиятли яқинлаш йўлида ҳармай толмай тер тўжмоқда. Суратда: Оққўрғон районидаги «Москва» колхозини пахтазорларини самолёт ёрдамида дефолиация қилиш пайти.

Н. Тўраев фотоси.



ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРАМИЗ

Урта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз ва Қорасув пахта тайёрлаш пункти коллективлари КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани қизғин равишда тўғрисида олдин адо этишга қарор қилдилар. Бу ташаббусида пахта комитети томонидан маълумланди. Қуйида икки коллективнинг социалистик мажбуриятлари босилди.

КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтириш ва совет халқи моддий фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган қарорларидан руҳланган колхоз аъзолари КПСС XXIV съезди шарафига бошланган Бутуниттифок социалистик мусобақасига қўшилди. Пахта ва пахта йиғим-теримини ҳамда давлат пахта топиришини ўз вақтида уюшқоқлик билан ўтказиш таъминлаш мақсадида ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятни олдилар.

Бу йил давлатга қамда 4 минг 125 тонна пахта топирилади, яъни пахтанинг қамда 70 процентини биринчи сортта топирилади. Бу контрактига шартномасидан кўрсатилганидан 600 тонна кўпдир. Пахта йиғим-терим 15 октябргача тугалланади. Ҳар кун йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорда пахта топирилади.

Шу йилнинг 10 октябрга қадар машина теримига ажратилган 1350 гектар майдондан қамда 2700 тонна ҳосилни машинада тегиб олиш таъмин этилади. Бу йилнинг учун Оққўрғон райони пахтакорларининг иш таърибасидан фойдаланилади. Пахтани шпинделли машиналар билан икки бор терим ташкил этилади.

20 августга қадар барча пахта терим машиналари, трактор тиркагичлари ва пахта ташиндирилган ортаданги принциплари тайёрлаш тугалланди.

Маждуд машиналар ремонтти юқори сифатли ўтказилди. Пахта терим машиналари ва қўрғин терим машиналари иш органларини соғалаш ва жойлаштириш техника талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилди. Шундай қилинса, йиғим-терим вақтида пахта машиналарига ортиш жараёнида ҳосилнинг ифлосланишига ва сифатининг бузилишига йўл қўйилмади.

Пахта терим машиналарининг иши икки сменада ташкил этилади. Бунинг учун йиғим-терим бошлангунга қадар 60 та механик-ҳайдовчи ва 5 ишчи тайёрланади.

Йиғим-терим агротехника қоидалари ва талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

Қўсакларнинг қамда 55—60 проценти очилганда машина теримига киришилади.

Пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида ҳосилнинг ноқўд бўлишига бутунлай чек қўйилди. Пахта навларининг тоза бўлиши ва намлилигининг нормал бўлиши устидан назорат қўйилди. Ана шу мақсадда 20 августга қадар барча ивентарлар тўла шайлаб қўйилди.

Йиғим-терим бошлангунга қадар колхозга теримчилар, бригадирлар, агрономлар ва барча колхозчилар учун пахта теримини болғик бўлган, уларни тўқимачилик саноатининг ҳосил сифатига қўйган талабларини, давлат стандартларининг асосий моддалари ва пахтага ҳақ тўлашининг шартлари билан таништириш

вақт ичида ишчи кучлари билан ерда берилди.

Машина терим бошлангунга қадар механик-ҳайдовчиларнинг маънавиятини ошириш учун машғулотлар ўтказилди. Машғулотда машиналардан фойдаланишни яхшилаш, йиғим-терим вақтида пахтани транспортларга ортишда техника ҳавфсизлигини меҳнатни муҳофаза қилиш ўргатилди.

Бригадалар, пахта терим машиналарининг ҳайдовчилари, теримчилар ўртасида зиммага олинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўзаро социалистик мусобақа кенг қўламда ривожлантирилди.

Пахтакорларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ҳар 10 кунда социалистик мусобақага ақон ясалади. Механик-ҳайдовчилар учун 2 та, бригадалар учун 1 та, теримчилар учун 8 та мукофот таъсис этилади. Мукофотлар Фахрий ёрликлар, ымпеллар ва қимматбаҳо совғалар билан қўшиб топирилади. Мукофот топиришда планнинг бажарилиши, пахта тайёрлаш суръати, терилётган ҳосилнинг сифати, машина теримини планининг бажарилиши ҳисобга олинади.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТИ ХОДИМЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Карл Маркс номли колхоз далаларида етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олиш ўз вақтида ташкилий равишда узлуksиз ўтказилади. Пунктга келтирилган пахта ташиб келган транспортларнинг кутиб қоллиниши йўл қўйилмади. Ҳосил тез қабул қилиб олиниб фарамланиди ва яхши сақланади.

Пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида ҳосилнинг ноқўд бўлишига бутунлай чек қўйилди. Пахта навларининг тоза бўлиши ва намлилигининг нормал бўлиши устидан назорат қўйилди. Ана шу мақсадда 20 августга қадар барча ивентарлар тўла шайлаб қўйилди.

Йиғим-терим бошлангунга қадар колхозга теримчилар, бригадирлар, агрономлар ва барча колхозчилар учун пахта теримини болғик бўлган, уларни тўқимачилик саноатининг ҳосил сифатига қўйган талабларини, давлат стандартларининг асосий моддалари ва пахтага ҳақ тўлашининг шартлари билан таништириш

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШ НИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 31 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Оққўрғон	106,5
Янгиёул	54,3
Калинин	46,5
Бўстонлиқ	39,3
Ўрта Чирчиқ	37,8
Ормонқизил	36,7
Бўка	35,2
Юқори Чирчиқ	26,5
Бекобод	26,5

Област бўйича 43,5

ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁР ЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 31 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топиришга нисбатан процент ҳисобида)

Юқори Чирчиқ	71,8
Оққўрғон	66,3
Бўка	64,2
Ормонқизил	63,8
Калинин	61,1
Ўрта Чирчиқ	61,0
Бўстонлиқ	59,4
Бекобод	58,8
Янгиёул	57,7

Област бўйича 62,5

КАНОП ЎРИМИ ЖАДАЛ

Иқром Холмурод бошчилик қилган участка деҳқонлари каноп ўрими-йиғимини йиғини давом эттирмоқдалар. Улар бу йил 40 гектар каноп майдонининг ҳар гектаридан 150 центнердан луб етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Лубкорлар ёз бўйи канопини парваришда, агротехника муддатларида озиқлантиришди. Ҳозир мўл ҳосил гишиб этилади. Гектар бошига олинган ҳосилдорлик 170 центнерга етказилмоқда.

Участкида пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. 142 гектар майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашяётган деҳқонлар гўза парваришини намунали олиб боришмоқда. Йиғим-теримга тайёргарлик ишлари ҳам қизғин борилади. Исмоил Қосимов, Абдурашид Қосимов, Аҳмад Мамбетов сингари механизаторлар ўз агрегатини шай қилиб қўйдилар. Улар бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90—95 процентини «эангори кема»лар ёрдамида териб олиш учун барча тадбирларни кўришмоқда.

Т. ТУРҒУНБОВ.

Оққўрғон районидаги Набой номли колхоз.

Б Р И Г А Д И Р

Кўёш олов пуркайди. Кўз илғамас пахтазорлар, ҳосилдор шоҳларини эгиб, она-ерга салом бераётган олмазорлар ҳам сукунатда. Бригада аъзолари дала ший-пониде тушайдиган сўнг ҳордиқ чиқаришяпти. Лекин, бригадирдан дарак йўқ эди.

Бунга ақибланмасе ҳам бўлади. Эргашнинг одати шунчаки. Дала ишларидан хотиржам бўлиб, кўнгли тинчмагунча пахтазоордан қайтмайди.

Бугун ҳам у барвақт уйғонди. Тентаксой бўйига йўл олди. Фикри ёди пахтазорда. Бугун култивация тугаллашши керак. Иш кечиктирилса, нече машаққатлар билан етиштириладиган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиши мумкин. Ахир, бригада аъзоларининг бу йилги аҳди ўзгача. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб беришга бел боғладилар. Июль Пленуми қарорларини муҳокама қилиб, ўз ишончаларини намояндалар, гектардан олинмаган ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга сўз бердилар.

Сўз бергандан сўнг унинг уйдасидан чиқиш керак. Бунинг учун эса гўза парваришини сира бўшатирилмаслик талаб этилади. Гўза билан тиллашиш, айниқса, унинг сувида хабар олиб туриш зарур.

„Олсдан тракторнинг гуруллаган овози эшитилди. Бригадирнинг хели бўлиди. Чехрасида табассум жилвалди. „Въздасини унутмабди, Узбекани кўнглинида ўтказди бригадир. Кадамини тездашди.“

— Яшанг, Узбекани, қойилман, деди у билан кўришар экан.—Бу дейман, пахтазорда тонг оттирдингизми? Бўлай деб қолмасан.

Мен ҳам қарашиб юбормоқчи эдим.

— Йигит сўзи битта бўлади,— деди Узбекани,— Кеча ўзингиз айтмадингиз, коммунистлар олдинги сафда бориши керак деб.

Дарвоқе, эрта тонгдан пахтазорда жавлон ураётган бу ҳар икки йигит колхознинг ёш коммунистларидан. Улар шу қишлоқда туғилиб ўсишди. Пахтачиликка ёшлиқдан меҳр қўйишди. Бригадир Эргаш Жонтемиев учун пахтазорни ота касб. Еттинчи синфни битирган, колхозда қўлиб, ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади.

1961 йилда Эргаш ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. У Ленин

танлиб, гўзалар машина тари-

мига мослаб ўстирилди. Натича ёмон бўлгани йўқ.

Колхозда биринчи бўлиб гўзалар машинада чеканка қила бошлаган ҳам Эргашнинг бригадасидир. Дала ишларини агротехника қоридан асосида ташкил этиш, техникадан унумли фойдаланиш ўз самарасини кўрсатди. Ил-цетнерга етказиш ҳосили олинди. Бир йил ўтган, ҳосилдорлик 33 центнерга етди.

—Даладан кеч қайтган Эргаш оққатлиб бўлиб-да, бироз дам олиш учун краватга ёнбошлади.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

партияси сафига қабул қилинди. Коммунист номини шараф билан оқлаш учун янада ғайрат билан ишга киришди. Бироз вақт ўтган, колхозчилар умумий йиғилишда унга юксак ишонч билдирдилар. Эргаш колхознинг қолоқ бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди.

Еш коммунист ишчи бригада аъзолари билан суҳбатлашадиган бўлади. Ҳар бирининг қалбига кулоқ солди. Дехончиликка суя-ги қотган Сирлибой Тугелбоев, Такеи Сулаймонов сингари кекса пахтакорлар таърибасига амал қилиб, иш юрди.

Илгирилар бригадала машина теримига унчалик эътибор берил-масди. Эргаш шу камчиликка бар-хам берди. Бригаданинг ерлари паст-баландликлардан иборат, ма-шина терим учун анча ноқулай. Шунга қарамай айрим қартерлар

Лекин шу пайт эшик очилиб, Ажибек Муродов кириб келди. Ажибек бригаданинг меҳнаткаш аъзоларидан бири. Домо топи-рини ўрнига қўйиб бақаради. Лекин у бугун нимагадир уйчан эди.

Ажибек омонатинга ўтирди. — Ултирган унимки бироз э-киб қолганга ўхшайди,— деди у хил овозини пасайтириб.— Озгина пул жамоғаран эдим. Ян-ги уй қурмоқчиман. Маслаҳатга келган эдим.

— Жува соз,— деди бригадир,— яхши уйлабсиз. Қўрилиш мате-риалларидан ташвишланманг, ердан берамиз.

Ажибек хурсанд бўлиб, кўнгли тоғдан қўтарилиб, мингтадорчи-лик билдирди, чиқиб кетди. Эргаш эртасига колхоз правле-нисига йўл олди. Ранс ва пар-

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

КПСС XXIV съездининг му-носиб меҳнат совғалари билан қўлиб олинган йозасидан илгор сановат қорхоналари бошланг тапашбас фабрика коллектив томонидан ҳам тўла маъмул-ланди. Қорхона ишчилари, ин-женер-техник ходимлари ва хизматчилари бу ватанпарвар-лик ҳаракатига байқонидил қўшилдилар ва зиммаларига янги оширилган мажбурият ол-дилар.

Неласдаги жуи фабрикаси коллективни алоқотир олдиде бе-ридан ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиб ва қўшимча юзларча минг сумлиқ маъсу-лот реализация қилиш учун ҳизмат камарини маҳкам бо-лаб ишламоқда. Социалистик мусобақа йида авиқ олиб ке-ти. Ақсарият ишчилар норма-ни бир ярим баравар ва ун-дан ҳам ошириб адо этишмоқ-да.

Натияда коллектив меҳна-ти самараси ҳам салмоқли бўл-моқда. Ишчилар шу йилнинг ўтган етти ойида планадиган ташири салма 140 тонна жуни қайта ишлаб топшири-ни 108 процент қилиб адо эт-дилар. Қўшимча реализация қилинган маъсулот миқдори 350 минг сумлиқдан кўпроқни ташкил этди. Меҳнат унум-дорлиги белгиланганидан 8,1 процент кўтарилди.

Фабрика меҳнатсеварлари қўлга киритилган бу ютуқ-ларни янада мустаҳкамлаш учун баланд руҳ билан меҳ-нат қилишяпти.



Зинаида Бедиева област кинифильлар прокати кон-ро-расида кўп йиллардан буён намунали меҳнат қилиб кел-моқда. У ҳозир ишлаб билан бирга кечки маътабда ўз били-минин ҳам оширмоқда. Сурат-да: ўртоқ З. Бедиева лентани кўздан кечиряпти.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛГОРЛИККА

7-йилги заводи бинокорлик материаллари сановати қорхоналарнинг қолоқлиқдан ҳи-сосланган. Бу ерда гишт иш-лаб чиқариш давлат планлари қўлини бандирмас. Қўри-лишлар учун зарур бўлган бу муҳим материал белгиланган таъйирланмас эди. Коллек-тив бу йил қолоқликка барҳам бериш учун фидокорона меҳ-нат қилмоқда.

Шу мақсадда қорхонада ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлашга қаратил-ган қатор таъиний-техника-ий тадбирлар қўрилди. Бир-инча операциялар енгилла-штирилди. Янги асбоб-ускуна-лар ишга туширилди. Пешадам гишт заводлар коллектив-ларининг иш таърибаси, про-грессива технология кенг ми-қеда жорий қилинди.

Юбилей йилининг ўтган ой-лариде планадиган қўшимча 1 миллион донадан ортиқ гишт қурилишларга етказиб берилди. Бу билан қўшимча бир неча бинони бўғид этиш мумкин бўлди. Меҳнат унум-дорлиги ўтган йилнинг етти ойидагига қараганда 65,2 про-цент ошди.

Ишчилар КПСС XXIV съез-ди паррафига бошланган умум-халқ ҳаракатига фаел қўшилдилар. Шу қўнларда эса съездин мусобаси совғалар билан қўлиб олиш учун эр-ғарат-шимоат билан меҳнат қилишяпти.

Т. ХУШНАЗАРОВ, Т. ИҶУДОШЕВ.

Тошкентдаги «Газаппарат» заводиде ишлаб чиқарилаётган маъсулотлар иттифоқининг барча шаҳарларига жўнатилмоқда. Завод коллективни бу йил 10 мингга газ плитаси таъйирлашга аҳд қилган. Суратда: мастер Николай Котлар ва контролер Алла Звонниковалар янги маъсулотларни текшириб қўришяпти. М. НУРИДДИНОВ фотоси.

КОММУНИСТЛАР САФИ УСДИ

Султон Сегабоев номли соз-партия комитетининг пех партия ташкилотлариде ҳисоб-саноат йиғилишлари ўтиб бўл-ди. 9 екс партия ташкилот-ларининг ҳаммасида йиғилишлар коммунистларнинг аур активли-ги билан ўтди. Улар қўлга ки-ритилган ютуқларни маъмурият билан қайт этишлар ва наёбат-даги ваъдаларини белгилаб ол-дилар.

Ҳисобот даврида 10 киши ливидан КПСС сафига қабул қи-линди. Улардан икки киши хо-тин-қизлардир. Еш коммунист-

ларнинг барчаси ишлаб чиқ-аришда ўзларини кўрсатиб кў-пчилик ҳурматиини қосонганди-лар. Ҳозирги кунда 110 комму-нист ҳар соҳада бошқаларга на-муна кўрсатиб меҳнат қилмоқ-далар.

«Мўл ҳосил учун»-дан

МЕХАНИЗТОРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТЯДИ

«Гулистон» колхозининг пах-такорлари кейинги йилларда

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

етиштирилаётган «оқ олтин» нинг асосий қисминини машина-лар билан териб олшга алоҳи-да эътибор бермоқдалар. Шу боисдан ҳам колхозда меҳани-заторлар сафи йил сайин кен-гайиб бормоқда.

Шу йилнинг бошида колхозда меҳанизаторлар таъйирлаш курси очилган эди. Бу курсга кол-хоз ёшларидан 24 киши жалб этилди. Курс тингловчилари машғуллар давомида техни-канинг барча сирларини ўрга-

ниб олдилар. Шунини қувон-чилик, ўнгитган ёшлардан 21 нафари хотин-қизлардир.

Бўдана меҳанизаторлар синфларда олган ўз билимларини амалда ҳам синов қўридилар. Улар колхоз марказий устакхо-насида бўлиб қишлоқ хўжалиқ жамияти билан яқиндан та-ъиндилар. Курсни таъомлаб чиққан ёшлар эрта-қичини маш-налар рулга ўтириб пахтазор узра жавлон урадилар.

«Пахтакорлар овози»-дан

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ ФЕРМА

Ильич номли колхозда мос-қилик мутахассислар лойиҳаси асосида эксперименталь чорва-чилик фермаси қурилиши қиз-гин давом этмоқда. Йилги фер-мада сиғир сотқилар тортиб то-чорвага озуқа тарқатишга бўл-ган жараёнларнинг ҳаммаси ме-ханизаторлар ердамида бажари-лади. 200 бош қорамолнинг бар-часи алоҳида-алоҳида хона-ларда боқилади.

Лойиҳачилар чорвадорларнинг маданлий ҳордиқ чиқаришлари учун махсус хоналар ажратишни қўзғалганлар. Ҳозирги кунда фермада монтаж ишлари нийо-ҳида етказилаяпти.

Районнинг бошқа хўжалиқ-ларида ҳам қурилиш ишлари кенг қўламда олиб бориламоқ-да. Йўмдалар «Партия XX съез-ди» колхозда хонадорларини та-лаштираш ва водопровод суви билан таъминлаш ишлари бажари-лимоқда. Тинида район маркази-дан колхознинг иккинчи участкасига водопровод труба-лари тортиб келинди. Биринчи участкадаги 170 хонадон аса табиий газ билан таъминланди. «Ленинчи»-дан.

НАМУНАЛИ МАГАЗИН

Пойтахтимиздаги Киров район райишчеторига қарашли «Озёқ» оқат магазинида. Бу ердаги оёзалиқнинг тозаллигини кўриб ди-лишга ҳушуд тортиди. Ховли томонга сув селишиб, сувирилди. Магазин поли ёғ тушса алғудай топ-тоза қилиб ювигилди. Кўнглингиз истаган озиқ-овқат маъсулотлари пештахталарга дид билан териб қўйилган.

Магазинда хизмат қилаётган сотувчилар харидорларини оқиқ чехра билан қарши олишяпти. Улар истаган маъсулотларини му-ҳайё қилиш учун интилишяпти. Биз савдо соҳасида бой таъри-бда ортирган, ўз касбини ардоқ-лаб ҳалол меҳнат қилаётган ма-газин мудири Тоҳир Абдуллаев билан суҳбатлашдик. У киши бизга ишчан, хушмуомала ходи-мларнинг номларини фахрланиб айтиб берди. Холмид Аюмов, Абдулгани Маҳмудов, Жўра Мир-заев, Лола Абдурахмоновалар айниқса харидорларнинг ҳурма-тарига сазовор бўлишяпти.

Магазинда ойлик, квартал планлари доимо ортиқ билан бажарилади. Негакки, бу ерда хизмат қилаётган савдо ходи-млари озиқ-овқат маъсулотлари кел-тиришда харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олади-лар.

Харидорларга намунали хи-змат қилаётган бу магазини юбилей йилида Киров район ишчеториги-нинг кўнча Қўзил байроғини ўз қўлида саклаб келмоқда.

Э. МАМАЖОНОВА.

Тошкентдаги Э-бирлашган па-ҳар касалхонасида даволашнинг турли илгор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Суратда: (чап-дан) касалхонанинг бош врач-и А. Мамасев билан терапевт-ка бўлимининг бошлиғи У. Усмонов ўртоқлар янги таърибда ҳақиде суҳбатлашмоқда.

С. МАХОВ фотоси.



ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН КИШИ

«Жўли отанинг ҳимматига балли!» Бу сўзларини бўлим ишчиларининг ҳар биридан эши-тиш мумкин. Ҳўш, Жўли ота-нинг ўзи ким? Унинг номини одамлар неча доимо ҳурмат би-лан тилга олишяпти, эъзозлаша-ди?

Бунинг боиси бор, албатта. Ота бу йил 73 баҳорининг юзини кўрди. Бундан 12 йил муқад-дам пенсияга узатилганди. Оп-лоқ соқоли кўксига тушган, юзидан нур ёғилиб турган бу мўйсифид аввал колхозда, ке-йинчалик эса совхозда ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳурмат

қозонган, унинг хизматлари оғиздан-оғизга ўтиб мангали-ган. Меҳнатга урганган киши эмасми, пенсияга чиққандан ке-йин ҳам уйдаги майда-чуйда ишлар уни сира қаноатлантир-мади. У доимо далага чиққиси, ишчилар билан бирга меҳнат қилқиси келарди. Бўлим бош-лиғига бориб, «Менга иш бе-ринг», демоқчи бўлса, бошқалар «Пенсияни олиб қарилки гап-тини сураверсангиз-чи, ҳар қан-ча иш бўлса, ёшларимиз бор», дейётгандек бўшларди.

Лекин, Жўли ота «Куч-қув-ватини бўлгандан кейин уйда ёт-

ганимдан кўра далага чиқиб ишлаганим маъқул»,— деди-да, бўлим бошлигининг ҳузурига борди. Кенг хонада ўтирганлар отани ҳурмат билан қарши олишди.

— Келинг, Жўли ота,— де-ди бўлим бошлиғи Абдулла Ла-тиннов.

— Бир иш билан келувдим,— деди ота.— Агар маъқул қўр-санглар, менга бир лойиқ иш бўлса ишламоқчи эдим.

Бўлим бошлиғи Жўли ота-нинг астойдил илтимос қилаёт-ганини сезиб, сўзини ерда қол-дирмади.

— Агар ишлашни ҳоҳлаётган

бўсангиз, биз нима ҳам дер-дик?— сўз бошлади Латиннов.— Бўлимимизга қарашли бедазор-дан 28 гектарини сиғиза бириқ-тиб қўямиз. Шу бедазорни пар-варни қилиб берсангиз, бўлган-ни. Ердан керак бўлса, бедалол мурожаат этаверинг, ҳеч тор-тинманг.

Бўлим бошлиғи билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг меҳнат-севар, таърибиде деҳқон ишга ки-ришиб кетди. У ўз қарамонига-ри бедазорни ахшиллаб парва-ришладди, вақтида суғорди, вақ-тида озиқлантирди. Бу майдон-да етиштирилган бедадан би-ринчи ўринини ўзидеёқ мўжал-

дагидан анча-кўп беда йиғиб олишди.

Бу воқеадан кейин қишлоқ ахлининг отага бўлган ҳурма-ти ахтиромин янада ошиб кетди. Ҳозир у ўРТА ЧИРЧИҚ РАЙ-ОНИДАГИ, 1-«ОХАНГАРОН» СОВХОЗИНИНГ Ялпоқтепа қиш-логига истиқомат қилмоқда. Қишлоқнинг қатта-ю кичиғи отани аjoyиб ишон, ишлаб чи-қариш астерани, ёшларнинг маслаҳаттўйин сифатида эъзо-злашди, ҳурматини жойига қў-ишди.

Т. ХУШНАЗАРОВ, Т. ИҶУДОШЕВ.

